



**ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ
НОТАРИУСЛАР ТОМОНИДАН МЕДИАТОРЛИК
ВАЗИФАСИНИ БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
БЎЛГАН НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ
РАСМИЙЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН**

Қ ў л л а н м а



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристар малакасини ошириш маркази
Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси**

С.Марипова, Д.Ашуров, З.Мусаева

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан
медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал
ҳаракатларни расмийлаштириш юзасидан**

ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2024

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг ўқув ва илмий-усулубий кенгаши томонидан 2023-йил 27-сентябрдаги 1-сонли баённомаси билан нашр этишга тавсия этилган.

Муаллифлар:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристар малакасини ошириш маркази Хусусий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент С.Марипова

**Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси раиси Д.Ашуров
Нотариат бўлими бошлиғи З.Мусаева**

Тақризчилар: Хабибуллаев Давлат Юлчибоевич - ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc), профессор.

Ганибаева Шахноза Каримбердиевна – Юристар малакасини ошириш маркази Оммавий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тузилган. Медиация бўйича қисқача назарий маълумотларни ва намунавий келишувлар шаклида амалий мустаҳкамлашни ўз ичига олади. Қўлланма низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари тўғрисида билим ва ғояларни шакллантиришга хизмат қилади. Қўлланманинг амалий йўналиши медиация соҳасидаги мутахассисларни – нотариусларни амалга оширилган нотариал ҳаракатлар бўйича келиб чиқадиган низоларда воситачилик қилиш кўникмаларини шакллантиришга имкон беради, медиатив келишувларни тузиш кўникмаларини шакллантиради.

Мазкур қўлланма тавсиявий характерга эга.

Юридик кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун мўлжалланган, нотариуслар, адвокатлар, медиаторлар, шунингдек олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилиши мумкин.

МУНДАРИЖА

1. Нотариуснинг медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари6
2. Медиация тушунчаси ва аҳамияти.....8
3. Фуқаролик процессида медиациянинг қўлланилиши.....13
4. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби.....15
5. Нотариат ва медиация.....18
6. Медиатор вазифасини бажаришда нотариуснинг роли ва имкониятлари.....20
7. Медиацияни қўллашда нотариал идораларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ЖФОДЛ), терроризмни молиялаштиришга (ТМ) ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш (ОҚҚТМ) бўйича ички назоратни ташкил қилиш.....24
8. Медиаторга доир талаблар.....30
9. Медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.....32
10. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув.....33
11. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби.....33
12. Медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги.....36
13. Медиацияга тааллуқли ахборотни медиатор томонидан ошкор қилиш шарти.....37
14. Медиациянинг тугатилиши.....37
15. Медиатив келишувни тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....37
16. Нотариус-медиатор томонидан оилавий низоларда медиацияни қўллаш.....40
17. Нотариус-медиатор томонидан мерос билан боғлиқ низоларда медиацияни қўллаш.....42
18. Нотариус-медиатор томонидан бошқа низоларда медиацияни қўллаш.....44
19. Медиатив келишувни расмийлаштиришда жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик

шахсларга топшириш нотариал ҳаракатини амалга ошириш.....	47
20. Медиатив келишув бўйича ижро хати ёзиш.....	48
21. Медиация тартиб-таомилини ва медиатив келишувни ишончнома орқали расмийлаштириш.....	48
22. Нотариус-медиатор томонидан медиация билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ундириладиган тўловлар.....	49
23. Медиация тартиб таомилидан воз кечиш ва битимни тасдиқлашни рад қилиш тартиби.....	50
24. Нотариуслар томонидан амалга оширилган медиатив келишувларнинг статистик маълумотлари.....	51
25. Медиатор томонидан медиация келишувида иштирок этаётган тарафлар билан мулоқотга киришиш жараёнида медиатор томонидан бериладиган тахминий саволлар рўйхати.....	52
26. Статистик маълумотлар.....	54
27. Намуналар.....	56



1. Нотариуснинг медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Мазкур Қўлланма (бундан буён матнда Қўлланма деб юритилади) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (кейинчалик–Нотариус) томонидан медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширишда нотариус фаолиятида улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган айрим ҳолатларга тушунтириш бериш мақсадида тайёрланди.

Медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда тартибга соладиган асосий ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон “Ўзбекистон Республикасида Нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш Концепцияси;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги 198-сонли “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармон;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 декабрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маъмурий регламентларни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори билан тасдиқланган,
- Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти *1-иловага мувофиқ*;
- Нотариуслар томонидан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти *2-иловага мувофиқ*;
- Нотариуслар томонидан мол-мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти *3-иловага мувофиқ*;
- Нотариуслар томонидан ишончномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти *4-иловага мувофиқ*;
- Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришнинг маъмурий регламенти *5-иловага мувофиқ*;

- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (2018 йил 29 ноябрь, рўйхат рақами 3092);
- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (2019 йил 4 январь, рўйхат рақами 3113);
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг “Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори (2009 йил 19 октябрь, рўйхат рақами 2020).
- Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (2020 йил 29 май, рўйхат рақами 3235).



2. Медиация тушунчаси ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг мақсади медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат (1-модда).

Медиация тўғрисидаги қонунчилик миллий қонунчилигимизда, даставвал Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан тақиқланмаган барча воситалар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси 29-моддасида ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам қабул қилинди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, медиация институти ролини тубдан ошириш, на фақат судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда, балки нотариат соҳасида ҳам қўлланилиши кўзда тутилган.

Ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир.



Медиация ўзи нима?

Медиация – келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули.

Медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Медиация низоларнинг уч тоифаси бўйича амалга оширилиши мумкин:

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низолар;
- якка меҳнат низолари;
- оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди (3-модда).

Қонундан келиб чиқиб, ушбу қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

медиатор – медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс;

медиатив келишув – медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув – тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган келишуви;

медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув – низо келиб чиққунига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг тарафларнинг низони медиация тартиб-таомилини амалга оширган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви (4-модда).

Медиатор – медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс янги ҳуқуқий институтнинг воситачиси ҳисобланади.

Медиаторнинг вазифаси – тарафлар ўртасида ёзма медиатив келишув тузилишига, яъни низони ихтиёрий ҳал этишга эришишдан иборатдир.



Медиациянинг асосий принциплари:

- ✓ махфийлик;
- ✓ ихтиёрийлик;
- ✓ тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;
- ✓ медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги.

Оширилаётган нотариал ҳаракатлар тўғрисида ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно .

Медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли.

Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади.

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбуллигини баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади .


Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда – медиатор-нотариус мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди.

Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак (9-модда).



Нотариус-медиатор медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс янги ҳуқуқий институтнинг воситачиси ҳисобланади.

Нотариус-медиаторнинг вазифаси – тарафлар ўртасида ёзма медиатив келишув тузилишига, яъни низони ихтиёрий ҳал этишга эришишдан иборатдир.



3. Фуқаролик процессида медиациянинг қўлланилиши

Фуқаролик ишлари бўйича даъво ишини кўришда ҳам медиациядан кенг фойдаланилади.

Даъво ишини кўришда тараф иштирокчилари процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Даъво ишини юритишда тарафлар суд процессининг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими тузиш ёки **биринчи инстанция судида** суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар медиатив келишув тузиш орқали тугаллашга ҳақли.

Агар низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олган тақдирда, суд мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишга ҳақли. Худди шундай ҳолларда, даъвогар ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўртасида келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилади.

Ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўла олади.

Медиатор вазифаларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича **медиаторлар** гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас.

Судда иш юритиш ваколатлари вакилга барча процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шартнома бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан тўлиқ ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими, **медиация**

тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишув тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, аризаларни имзолаш, ижро варақасини ундирувга тақдим этиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулларни олиш ваколати ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлиши керак.

Қонунда судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар кўрсатилган.

Судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар қаторига шу низо билан боғлиқ медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор сифатида иштирок этганлар, бундан қонунчиликда назарда тутилган ва медиаторнинг иштироки юзасидан ўзаро розилик бўлган ҳоллар мустасно.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида келишув тузилганда суд иш юритишни тўхтатиб туриши шарт.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тугагунига қадар, бироқ олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатга суд иш юритишни тўхтатиб туради.

Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган тақдирда суд аризани кўрмасдан қолдиради.

Суд тарафларни яраштириш учун чоралар кўради, уларга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади.

Тарафлар келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб, низони ўзаро талабларнинг тўлиқ ҳажмида ёки қисман ҳал этиши мумкин.

Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибида юритиладиган ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Келишув битими фуқаролик суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Келишув битими ёки медиатив келишув ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини, медиатив келишувни тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳоллардан бирида қайтаради, агар:

даъвогар низони жавобгар билан **медиация тартиб-таомилини** амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса.

Зарур бўлган ҳолларда, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тартибида судья тарафларни сўроқ қилишда, судья тарафлардан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

Медиатив келишув судга алоҳида ҳужжат тарзида тақдим этилади ва ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.



4. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун мурожаат қилувчини қабул қилиш, унинг шахсини, муомала ва ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш тартиби

Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Битимни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ID-картаси;

- 16 ёшга тўлмаган фуқаролар – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- ҳарбий хизматчилар – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ёхуд ID-карталар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);
- чет эл фуқаролари – уларнинг миллий паспорти (қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чет эл фуқаролари тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олинishi лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, ID-картаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;
- хорижда доимий яшаётган ва консуллик рўйхатида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти;
- фуқаролиги бўлмаган шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта.

Битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг шахсини ҳамда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлашда нотариус тегишли ахборот ресурсларидан фойдаланади.

Нотариус битимни расмийлаштиришни сўраб мурожаат этган жисмоний шахснинг муомала лаёқатини у билан шахсий мулоқот давомида аниқлайди.

Нотариусга мурожаат этган шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса), аммо шу фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва суднинг шу шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслигини Тизим орқали текширади.

Нотариус битимни расмийлаштиришда иштирок этувчи шахсларнинг босим ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш остида деб ҳисоблаш учун асоси бўлса (шубҳа туғдирса) нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктиради ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беради.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Агар мазкур шахс суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг ёзма розилигини талаб этади. Бунда, ҳомийнинг розилиги битимни тўғридан-тўғри имзолаш ёки алоҳида ариза тақдим этиш кўринишида бўлиши мумкин.

Юридик шахслар иштирокидаги битимларни расмийлаштиришда нотариус томонидан уларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек у қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини *»Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Тизим)* Тизим орқали текшириши шарт.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси Тизимдан текширилади ва олинган маълумотлар Тизимда сақланади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда, унинг ваколоти текширилади.

Вакилнинг ваколоти унинг номига берилган ишончнома ва (ёки) ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳ.к.) билан тасдиқланади. Бунда, ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги «ФХДЁнинг ягона

электрон архиви» ахборот тизимида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади.

Нотариус таъсис ҳужжати бўйича битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларнинг раҳбарларидан битимлар ва бошқа ҳаракатларни бажариш учун ишончнома талаб қилмайди. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Вакил томонидан тақдим этилган ишончнома шубҳа туғдирган тақдирда, нотариус уни тасдиқлаган тегишли мансабдор шахс (ташкилот) орқали тегишли равишда текшириши лозим. Нотариал тасдиқланган ишончноманинг бекор бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумот Тизим орқали текширилади.



5. Нотариат ва медиация

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтиришда бу икки категориядаги институт бир-бири билан боғлиқлиги бежиз эмасдир.

Нотариус ўз фаолиятида мустақил ва бетараф бўлиб, уни амалга оширишда нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

Лотин типигадаги нотариус фаолиятида медиацияга хос бўлган ҳамма белгиларни кўриш мумкин. Авваломбор, нотариус ўз фаолиятида мустақил ва бетараф бўлиб, уни амалга оширишда нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилади, қонунга асосан ҳамма тарафнинг манфаатини кўзлайди, ўз ҳаракатларига жавобгардир.

Нотариус касбидан келиб чиққан ҳолда, нотариусга мурожаат этган тарафларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда табиатан медиатор ҳисобланади.

Қонунда медиацияни қўллашнинг икки хил шартлари белгиланган:

- суд тартибида;
- медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида.

Медиация иштирокчилари уларнинг хоҳиш-истагига асосан хоҳлаган нотариус-медиаторга мурожаат қилиши мумкин.

Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Медиация низони ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилади.

Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Суд ижро иши жараёнидаги ортиқча оворагарчилик, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилади.



2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилди.

Медиация низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир. Медиация амалга оширилаётган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади. Бунда томонлар ўртасида ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда ижро иши юритиши тугатилади.

Қонунчиликда тарафларнинг ўзаро келишганлиги муносабати билан ижро иши юритишни тугатиш имконияти мавжуд эмас эди.

Эндиликда шаффофликни таъминлаш мақсадида бу жараёнда давлат ижрочиси ва давлат органларининг иштироки таъқиқланади. Бу турли суистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг олдини олади.

Нотариус низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларидан фойдаланиши керак.

Нотариус медиация жараёнида томонларнинг муносабатида вазиятни мувозатанлаш воситасидир.

Нотариус-медиатор томонларнинг низолашаётган масалалари бўйича ўзининг шахсий муносабатини билдиришга ҳақли эмас. Низони бартараф этиш йўлини таклиф қилиш – медиаторнинг мажбуриятидир.



6. Медиатор вазифасини бажаришда нотариуснинг роли ва имкониятлари

Медиацияни қўллашда нотариуснинг роли ва унинг асосий вазифаси тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган ҳужжатнинг ҳуқуқий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, нотариус ўз фаолиятида мустақил ва бетараф бўлиб, уни амалга оширишда нотариат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.



Нотариус – медиатор вазифасини бажариш чоғида фақат қонуннинг адвокати сифатида қатнашади.

Нотариус медиацияни амалга оширишда холислик ва бетарафлиликни сақлаши шарт. Нотариуснинг вазифаси миждознинг эмас, балки нотариал ҳаракат бўйича низолашилаётган масаланинг адвокати бўлиши, томонларнинг умумий манфаатларига мувофиқ, маслахатлар беради.

Ушбу Қонуннинг 61¹-моддаси га кўра нотариус медиатор вазифасини бажаради.

Нотариус фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалалари бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида **низода** медиатор сифатида иш юритади.

Тарафлар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижаларидан келиб чиқадиган низони ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, нотариус тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тасдиқлайди.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг (2019 йил 4 январь, рўйхат рақами 3113) 145¹-бандидан, то 145¹¹-бандига қадар нотариуснинг медиатор вазифасини бажариш тўғрисидаги қоидалар берилган.

Нотариус фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан **мулкӣ ва мерос масалалари** бўйича ўзаро мақбул қарор қабул қилиш учун тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида низода медиатор сифатида иш юритади.

Нотариус фақат нотариуслар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар юзасидан келиб чиққан низолар бўйича медиатор вазифасини бажаради.

- **Хусусан, оилавий низолар (эр-хотиннинг мол-мулкини бўлиш);**
- **мерос билан боғлиқ низолар (мерос мол-мулкини тақсимлаш, меросхўрлар ўртасида улушларни бўлиш ва бошқалар);**
- **мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлган низолар (уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш, доимий рўйхатдан чиқиш, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи);**
- **бошқа низолар (пул мажбуриятлари, мулкни топшириш мажбуриятлари, қарз мажбуриятлари, гаров муносабатлари бўйича мажбуриятлар).**

Фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишдан кўра, медиация тартиб-таомилини қўллаш имкониятлари кенгроқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 110-моддасига кўра, битимларни нотариал тасдиқлаш ушбу Кодекснинг

107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

1. қонунда кўрсатилган ҳолларда;
2. тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Медиатив келишувни - битим сифатида уни мажбурий нотариал тартибда тасдиқлаш талаби қонунда белгиланмаган.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан нотариус медиатив келишув иштирокчиларига:

ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

тарафлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши ҳамда уларнинг мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва ушбу битимларнинг қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши шарт.

Бундан ташқари, медиатив келишувни расмийлаштиришда нотариус низолашаётган масалага тааллуқлилиги бўйича - бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаров (ипотекага) қўйилаётган мулкнинг мулкдорга тегишлилигини, тақиқ (хатлов) бор-йўқлигини, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ва фактлар ҳақидаги ахборотларни аниқлайди.



Нотариус медиатив келишувни тегишли императив қонунчилик нормаларига мос келишини текширади, чунки келишув юридик нуқтаи назардан қонуний ва ҳақиқий бўлиши лозим.

Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчиларидир. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафлари бўлиши мумкин.

Тарафлар медиацияда шахсан ёки ўз вакили орқали қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

Медиатив келишувни расмийлаштиришда қуйидаги шахслар қатнашиши мумкин:

- тарафлар,
- ва (ёки) медиатор,
- нотариус-медиатор.

Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Агарда медиатив келишув бир нечта медиатор томонидан (*кўп ҳолларда оилавий низоларда (эр-хотиннинг мол-мулкани бўлишда)*) ва (ёки) кўп томонлама медиация амалга оширилганда ҳамма медиаторлар қатнашиши лозим.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувни имзолаган шахслар таркиби медиатив келишувни тасдиқлашда иштирок этаётган шахслар таркиби билан мос келиши керак.

Битимда қатнашаётган тарафларга нисбатан :

- шахси,
- ҳуқуқ лаёқати,
- муомала лаёқати,
- вакилнинг ваколати (ишончнома) текширилади.

Медиаторга нисбатан:

- шахси,
- ҳуқуқ лаёқати,
- муомала лаёқати аниқланади.



**7. Медиацияни қўллашда нотариал идораларда
жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга
(ЖФОДЛ), терроризмни
молиялаштиришга (ТМ) ва оммавий
қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш (ОҚҚТМ) бўйича
ички назоратни ташкил қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунининг 11-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

Ушбу қонуннинг 12-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг “Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори (2009 йил 19 октябрь, рўйхат рақами 2020) пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ва қоидаларнинг 2-бандига кўра, мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар) ички назоратни амалга оширишлари лозим.

Медиация келишувини расмийлаштиришда нотариус ички назорат қоидаларига риоя этиши керак. Нотариус тизимда мавжуд бўлган Рўйхат орқали мурожаат этган фуқаролар ва юридик шахсларни аниқлаши лозим.

Ички назоратнинг ўзи нима?

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.**

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки

назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак. (Қонуннинг 14-моддаси).

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сирни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни бузиш ҳисобланмайди. (Қонуннинг 18-моддаси).

Нотариал идоралар (нотариуслар) мижозлар учун ёки улар номидан операциялар ўтказганда қуйидаги соҳаларда ички назоратни амалга оширади:

кўчмас мулкни сотиб олиш ёки сотиш;

мижознинг пул маблағлари, қимматли қоғозлари ёки бошқа мол-мулкни бошқариш;

банк, жамғарма ҳисобварақлари ёки қимматли қоғозлар ҳисобварақларини бошқариш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш учун маблағлар йиғиш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш ҳамда корхоналарнинг олди-сотдиси;

ижро хатларини ёзиш.

Нотариал идоралар (нотариуслар) ички назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур қоидаларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини текшириш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар қўллаш;

мазкур Қоидаларнинг 24-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотларни (ҳужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳамда тўхтатиб турилган куннинг ўзида бундай операциялар ҳақида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

сўровномалар бўйича мижозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

махсус ваколатли давлат органининг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмаси ижросини зудлик билан таъминлаш чораларини кўриш.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари битим тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёхуд оффшор ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлганда** мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларининг 26¹-бандига асосан операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.**

Нотариуслар медиатив келишувни расмийлаштириш учун муурожаат этган чет эл фуқаросининг ушбу **кулранг ва қора рўйхатда** қайд этилган мамлакат фуқароси экани ҳақида алоҳида эътибор қаратиши ва белгиланган тартибда ваколатли давлат органига хабар бериши лозим.

<u>Кулранг рўйхат:</u>	<u>Қора рўйхат:</u>
Барбадос	Корейс Халқ -Демократик Республикаси (КНДР)
Албания	Эрон
Буркина-Фасо	Мьянма
Кайманов ороллари	Кайманов ороллари
Конго Демократик Республикаси	
Гибралтар	
Гаити	
Ямайка	
Иордания	
Мали	
Мозамбик	
Нигерия	
Панама	
Филиппин	
Сенегал	

Жанубий Африка	
Жанубий Судан	
Сурия	
Танзания	
Туркия	
Уганда	
Бирлашган Араб Амирликлари	
Яман	

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари операцияларни амалга оширишда уларнинг иштирокчилари идентификация маълумотларини терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Нотариус шахсий кабинет Рўйхат билан солиштиради.

Критерии: Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда:

мижоз ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

операция қатнашчиларидан бири Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция қатнашчиси бўлган юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса;

Аниқланган ҳолатида: Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйилганда Нотариал идоралар ишга солмай тўхтатиб қўйилган мулкнинг миқдори кўрсатилган ҳолда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида уч соат ичида хабар юборишлари лозим.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.



8. Медиаторга доир талаблар

Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.

Қонуннинг 14-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Профessional медиаторлар реестри юритилади, ушбу реестр уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Медиатив келишувда профессионал медиатор қатнашган ҳолларда, нотариус расмий веб-сайт орқали унинг реестрига киритилганлиги текширади.

Нопрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Медиатив келишувда нопрофессионал асосдаги медиатор қатнашган ҳолларда:

- ёши,
- медиатор вазифаларини бажаришга розилик аризаси.

Бундан ташқари, тарафлар мулкӣ ёки мерос масаласи бўйича юзага келган низони нотариус орқали ҳал этишда нотариусга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини, низо келиб чиқишига сабаб бўлган нотариал ҳаракат асли ёки нусхаси, ушбу низони ҳал этиш учун медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги оддий ёзма шаклда тузилган келишувни тақдим этади.

Тарафлар томонидан тақдим этилган нотариал ҳаракатни асли ёки нусхаси шубҳа туғилган тақдирда, нотариус Тизим орқали текшириши мумкин. Агар ҳужжат идоравий нотариал архивга топширилган бўлса, нотариус ҳужжатнинг ҳаққонийлиги ҳақидаги маълумотни сўров орқали олиши мумкин.

Қуйидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

- давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс, **бундан нотариуслар мустасно;**
- муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

- судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;
- ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахс.
Медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.



9. Нотариус - медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Нотариус - медиатор:

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида бир вақтнинг ўзида ҳам тарафларнинг барчаси билан, ҳам тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказишга, уларга низони ҳал этишга доир оғзаки ва ёзма тавсиялар беришга;

Нотариус-медиатор:

медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши;

низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларида фойдаланиши;

ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт.

Нотариус-медиатор қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Нотариус-медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.




10. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.



11. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун тарафлар ўзаро келишувга кўра бир ёки бир неча медиаторни танлаши мумкин.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, қоида тариқасида, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади.

Медиация тартиб-таомилини амалга оширилаётганда медиатор ўзининг ҳаракатлари билан бирор-бир тарафни устун ҳолатга қўйишга, худди шунингдек тарафлардан бирининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга ҳақли эмас.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун тарафлар ўзаро келишувга кўра **нотариал ҳаракатни амалга оширган нотариусга ёки бошқа нотариусга мурожаат қилиши мумкин.**

Манфаатдор тараф низонинг иккинчи тарафига нисбатан кўйилаётган талаблар мазмунини изоҳлаган холда нотариусга келишув тартиб-таомилини қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат этади. Нотариус қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатда аризани ўрганиб чиқиб, тарафлар, низо предмети, ўтказилиш жойи ва вақти кўрсатилган низо медиация йўли билан ҳал этиш ҳақида тарафларга хат юборади.



Агар тарафлар нотариусга низолашаётган масала бўйича медиацияни қўллаш ҳақида биргаликда мурожаат этса, нотариус улардан ушбу масала бўйича медиация тартиб-таомилини амалга оширишга розилиги ҳақидаги оддий ёзма шаклдаги келишувни тақдим этишни сўрайди.

Тарафлар мулкий ёки мерос масаласи бўйича юзага келган низо нотариус орқали ҳал этишда нотариусга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини, низо келиб чиқишига сабаб бўлган нотариал ҳаракат асли ёки нусхаси, ушбу низо ҳал этиш учун медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги оддий ёзма шаклда тузилган келишувни тақдим этади.

Тарафлар томонидан тақдим этилган нотариал ҳаракатни асли ёки нусхаси шубҳа туғилган тақдирда, нотариус Тизим орқали текшириши мумкин. Агар ҳужжат идоровий нотариал архивга топширилган бўлса, нотариус ҳужжатнинг ҳаққонийлиги ҳақидаги маълумотни сўров орқали олиши мумкин.

Медиация тартиб-таомили медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида тарафлар томонидан келишув тузилган кундан эътиборан бошланади.

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда нотариус-медиатор тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга, уларнинг у ёки бу қарорни қабул қилишда босим ўтказишга ҳақли эмас.

Нотариус-медиатор медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида бир вақтнинг ўзида ҳам тарафларнинг барчаси билан,

хам тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказди, уларга низони ҳал этишга доир оғзаки ва ёзма тавсиялар беради, медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, тарафларнинг ўзаро фикр ва таклифларини алмашишларини таъминлайди, тарафлар томонидан низони тартибга солиш турини таклиф қилади.

Медиация жараёнларини бошлаган тарафлардан уни якунлаш талаб этилмайди, нотариус (медиатор) эса судьялик ваколатига эга эмас, қарор қабул қила олмайди ва тарафларни медиатив келишув бўйича ўз қарорини бажаришга мажбур қила олмайди. Фақат музокаралар учун катализатор вазифасини бажаради ва музокараларни янада самарали олиб боришга ёрдам беради ва уларни тўғри йўналишга йўналтиради.

Нотариус фаолиятининг ишдаги муваффақият калити – бу унга мурожаат қилувчиларни тўғри қабул қилиши, улар билан суҳбатлашиш, мулоқот қила олиши, уларни тинглай олиши, эътиборли бўлиши, алоқа ўрнатиш қобилиятидир.

Нотариус-медиатор ва медиация иштирокчиларининг ўртасидаги муносабатларнинг асосий шакли – бу мулоқотдир.

Нотариус-медиатор томонидан медиация жараёнини олиб боришда қўлланиладиган икки хил мулоқот мавжуд.


- мулоқот натижасида маълум бир натижага эришишни мақсад қилиб қўйилган, яъни юзага келган вазиятни ҳал қилишга қаратилган мулоқот;
- муайян масала бўйича ҳеч қандай хулоса ёки қарор қилишни назарда тутмайдиган, фақатгина бўш вақтини тўлдириш учун ўтказилган мулоқот;
- инсоннинг кундалик иши жараёнида кенг тарқалган, аниқ саволлар режалаштирилган ва конструктив жавобларни кутаётган мулоқот.

Нотариус-медиатор медиация жараёнида медиация иштирокчилари билан учинчи тоифадаги мулоқотга киришишга тайёр бўлиши керак.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда:

- ✓ тарафлар ҳақидаги;
- ✓ низо предмети тўғрисидаги;
- ✓ медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, медиатор, тарафлар томонидан келишилган мажбуриятлар, уларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги;
- ✓ медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган тил, жой ва сана тўғрисидаги;
- ✓ медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган муддат ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

Медиацияни амалга ошириш муддати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда тарафлар томонидан ихтиёрий белгиланади. Бунда муддат ўттиз кундан ошмаслиги лозим. Зарур ҳолларда тарафларнинг ўзаро розилиги билан ушбу муддат ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.



12. Медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфийлиги

Тарафлар, медиатор, шунингдек медиация тартиб-таомилини амалга оширишда ҳозир бўлган бошқа шахслар муҳокаманинг медиация предмети бўлган низо билан боғлиқ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, агар тарафлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, муҳокама жараёнида:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низони ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафнинг низони ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилишга ҳақли эмас.



13. Медиацияга тааллуқли ахборотни медиатор томонидан ошкор қилиш шарти

Агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкин.



14. Медиациянинг тугатилиши

Нотариус-медиатор томонидан қуйидаги ҳолларда медиацияни қўллаш тугатилади:

- тарафлар томонидан медиатив келишув тузилганда;
- низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти бўлмаганда;
- мавжуд низо бўйича келишувга эришмай туриб медиацияни тугатиш тўғрисида тарафларнинг келишуви тузилганда (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ёзма келишув мавжуд бўлган тақдирда);
- бирор-бир тараф медиацияни давом эттиришдан воз кечишини маълум қилганда;
- медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари ўтганда.



15. Медиатив келишувни тасдиқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Медиатив келишув тарафларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган

фуқаролик-ҳуқуқий битимлар турига киради. Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

Бу дегани, медиатив келишувни тузган тарафлар унда назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиши кафолатланмаган.

Тарафлар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижаларидан келиб чиқадиган низони ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, нотариус тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувни тасдиқлайди.

Медиатив келишувда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ✓ тузилган жойи ва санаси;
- ✓ тарафлар ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ низо предмети;
- ✓ медиация тартиб-таомилини амалга оширилганлиги, медиатор, тарафлар томонидан келишилган мажбуриятлар, уларни бажариш шартлари ва муддатлари;
- ✓ медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган тил, жой ва сана;
- ✓ ўзаро мақбул қарорга эришилганлиги;
- ✓ медиатив келишувни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга эканлиги;
- ✓ медиатив келишувда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилиши;
- ✓ медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари;
- ✓ медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги.

Медиатив келишув нотариусга камида уч нусхада тақдим этилади ва нотариал тартибда тасдиқланади, улардан биттаси нотариал идорада сақланади.

Агарда тарафлар медиация тартиб-таомилини амалга оширишга келишган тақдирда, уларнинг ихтиёрий розилиги асосида низоли

масалалари бўйича тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, бу медиатив келишувда ва масалан, оилавий низолар (эр-хотиннинг мол-мулкини бўлиш), алимент тўғрисидаги келишув ҳақидаги битимларда ўз аксини топиши мумкин.

Қонунда медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тўғридан-тўғри судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги тўғрисида белгиланган.

Медиатив келишув тузиш босқичида музокара, суҳбат ва муҳокамаларда маълум бўлган ҳамма нарса (барча деталаригача) таҳлил асосида умумлаштирилади, узвий занжир тарзида тизилади. Ўзаро мақбул медиатив келишув матни ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Унинг ҳар бир банди тарафлар билан келишилади. Келишув бетараф, холис, содда тилда баён этилади. Матннинг тили, баён усули тарафлар учун тушунарлилигига ишонч ҳосил қилиш лозим бўлади. Яқуний келишув матни иштирокчиларга ўқиб эшиттирилади. Медиатив келишув тарафлар томонидан имзоланади.

Медиатив тартиб-таомилларини амалга оширишда нотариуслар томонидан Йўриқномага асосан, нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган низолар асосида медиатор вазифасини бажариши, медиатив тартиб-таомилларини амалга ошириш учун томонларнинг ёки томонларнинг бирининг аризаси олинishi, агар бир томон ариза билан мурожаат қилган тақдирда иккинчи томонга хат юборилиши, томонлар биргаликда мурожаат қилган ҳолларда медиатив тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги келишув шартномаси тузилиши лозим. Ушбу ариза ва медиатив тартиб-таомилларини амалга ошириш тўғрисидаги келишувларида медиатив тартиб-таомилларни ошириш учун низога сабаб бўлган ҳолатлар батафсил ёритилиши, медиатив тартиб-таомилларни амалга ошириш шартлари ва муддатлари ҳамда тегишли бошқа маълумотлар киритилиши лозим.

Нотариус-медиатор, кўрсатиб ўтилган ҳолатларни ўрганиб чиқиб, медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш учун қонуний жиҳатдан асосли деб топса, медиатор вазифасини бажаради.

Медиация тартиб таомиллари орқали ўзаро мақбул қарорга келинган тақдирда, медиатив келишув нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган медиатив келишувлар:

Биринчидан, “фақат номи медиатив келишув, лекин мазмун жиҳатдан тарафлар ўртасидаги оддий дастлабки шартноманинг аралаш элементларидан иборат бўлган фуқаролик-ҳуқуқий шартномасидан иборатдир”.

Иккинчидан, суд қарорини ижросини таъминлаш юзасидан тузилган медиатив келишувлардир.

Учинчидан, мулкӣ ва мерос масалалари бўйича амалга оширилган медиатив келишувлар нотариал ҳаракатлар юзасидан келиб чиққан низоларга асосланган.



Нотариус фақат нотариуслар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар юзасидан келиб чиққан низолар бўйича медиатор вазифасини бажаради.



16. Нотариус-медиатор томонидан оилавий низоларда медиацияни қўллаши

Нотариус-медиатор томонидан оилавий низоларда қуйидаги ҳолларда медиацияни қўллаши мумкин:

- эр-хотиннинг мол-мулкини бўлиш.
- никоҳ шартномаси шартларини келишиш.

Нотариус никоҳ шартномасини тасдиқлашда, унда келиб чиқадиган низолар медиация тартибида ҳал этилиши мумкинлиги хақида кўрсатиб кетиши мумкин.

Эр-хотиннинг мол-мулкини бўлишда медиация тартиб-таомили қанчалик ахамиятга эга эканлигини мисолда кўриб чиқамиз.

Ҳаётий мисол

Никоҳдан ажралиш жараёнида ва мол-мулкни бўлиш бусағасида турган эр-хотинлар нотариус-медиаторга муурожаат қилди. Медиация тартиб-таомили жараёнида уларнинг асосий низоси Тошкент вилоятининг тоғли жойида жойлашган, кислородга тўла дала ховлидан иборат эканлиги аниқланди. Дала ҳовли эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирилган умумий мулкидан иборат бўлган. Эр-хотиндан ҳар бири дала ҳовлини ўзида қолдирилишида ва уни сотишдан манфаатдор бўлмаган. Улар ўртасида никоҳ шартномаси тузилмаган.

Эр-хотиннинг асосий мақсади, юзага келган вазиятни низосиз тартибда ҳал қилиш, фарзандларининг психологиясига таъсир этмаган ҳолда, никоҳдан ажралиш бусағасида турган эр-хотиннинг ўртасида илиқ, дўстона муносабатларни сақлаб қолинишига манфаатдор бўлишдан иборат бўлган.

Бунда, нотариус уларни музокара қилишга чақириб, ҳар бири билан алоҳида суҳбат қилиш жараёнида дала ховлини сотиш нияти йўқлиги, унда яшаш ниятлари борлигини аниқлаган. Эри - умрининг энг муҳим ва эсда қоларли кунлари шу дала ховли билан боғлиқ эканлиги, у дала ховлида яшаш истаги мавжуд эканлигини, хотини билан ажралган ҳолларда ҳам фарзандлари шу ерга келишлари, хотинига қолган ҳолда уни сотиши мумкинлиги ҳақида қаттиқ қайғурган.

Хотини эса дала ҳовли эрига ўтган ҳолда, моддий томондан қийналиши, дала ховлини ижарага бериб фарзандларини келажагини ўйлаган ҳолда таълим ва моддий томондан таъминлай олмаслиги ҳақида қўрққан.

Медиация тартиб-таомили натижасида томонлар ўзаро келишиш оқибатида дала ховлида эри яшайдиган бўлган, шу билан бирга фарзандлари вояга етгунга қадар таълим ва муносиб турмуш даражасини таъминлаши ҳақида келишишган. Ўзаро келишув натижасида эри томонидан тўланадиган пул миқдори хотинини қўрқувдан халос қилган.

Медиация натижасида вазиятни низосиз тартибда судсиз ҳал қилишга эришилган.

Шунга ўхшаш кўплаб мисоллар келтириш мумкин.



17. Нотариус-медиатор томонидан мерос билан боғлиқ низоларда медиацияни қўллаш

Нотариус-медиатор томонидан мерос билан боғлиқ низоларда қуйидаги ҳолларда медиацияни қўллаши мумкин:

- мерос мол-мулкани тақсимлаш бўйича низолар,
- меросхўрлар ўртасида улушларни бўлиш,
- мерос мол-мулкани эгаллаш,
- мерос қолдирувчининг қарзларини ундириш,
- меросхўрлар доирасини шаклантириш билан боғлиқ бўлган

турли мерос бўйича низолар (нолойиқ меросхўрни ворисликдан четлатиш ва бошқалар),

- оилавий бизнесни тақсимлаш,
- оилавий бизнесни тақсимлаш юзасидан келиб чиққан низолар,
- ишончли бошқарувчини тайинлаш бўйича низолар.

Афсуски, мерос бўйича низолар кенг тарқалган бўлиб, меросни тақсимлаш можароси кўплаб мустақам оилаларни вайрон қилган.

Мерос массасини шаклантиришда, мулкый комплексдан иборат бўлган корхонага мерос олишда, оилавий корхонага мерос олишда ёки васиятнома бўйича мерос бериш билан боғлиқ бўлган низолардир.



Ушбу низоларни ҳал қилишда медиациянинг роли нимадан иборат?

Меросга доир низони суд орқали ҳал этишда молиявий томонга келиб тақалади. Давлат божи низолашаётган даъвонинг суммасидан келиб чиқади. Бироқ кўп ҳолларда низолар мерос мулкига боғлиқ бўлмайди. Асосий сабаб қариндош-меросхўрларнинг бир-бирига нисбатан норозилиги, ўзаро эски даъволар ва бошқа норозиликлар бўлиши мумкин. Айрим меросхўрлар мерос қолдирувчига кўпроқ ғамхўрлик қилгани, ўзаро кўпроқ моддий томондан таъминлагани, мерос мулкига нисбан кўпроқ ҳуқуққа эка эканлиги хақида ҳисоблайди ва ҳоказо. Бунда,

медиациянинг асосий йўналиши - қариндошлар ва оила аъзолари ўртасидаги дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ва низони авж олишга йўл қўймасликдан иборатдир. Меросхўрлар медиатор ёрдамида масаланинг моддий томонини низосиз шароитда ҳал қилишлари мумкин.

Нотариус-медиатор эса уларнинг ҳақиқий манфаатлари ва мақсадларини батафсил билиб оладиган шароитда ҳал қилиши мумкин.

Мерос қилиб олинган мулкни тақсимлаш билан боғлиқ низолар судсиз ҳал қилиниши мумкин. Шу билан меросхўрлар ўртасидаги яхши муносабатларни сақлаб қолиш ва тиклаш мумкин. Бундай ҳолларда медиация томонларга меросни низосиз тартибда ҳал этишга ёрдам бериб, қариндошлар ўртасидаги муносабатлар сақланиб қолиши, низо иштирокчиларини барчасини қониқтирадиган ечимларни топиши мумкин. Нотариус-медиатор бахslashовчи томонлар ўртасида музокараларни қандай ташкил қилишни билиши керак, диққат билан эшитиш ҳам санъатга киради, бунда томонлар бир-бирларини тушуниши, эшитишни бошлайдилар ва биргаликда мос келадиган ечимни излайдилар.

Ворислик ҳуқуқи бўйича яна бир мисолда кўриб чиқамиз.

Ҳаётий мисол

Масалан: мерос қолдирувчининг мерос мулкига қўшимча мерос бериш ҳақида биринчи мерос гувоҳномаси бўйича меросхўр деб топилган шахс қўшимча мерос мулкига гувоҳнома бериш ҳақида нотариусга мурожаат этган.

Бунда, меросхўр томонидан бошқа меросхўрни яшириш оқибатида мерос қолдирувчининг бошқа меросхўри (яширилган) ҳам мурожаат этган. Меросхўрлар ўртасида низо келиб чиқиб, мерос гувоҳномаси беришни кечиктириш ва судга мурожаат қилишлиги ҳақида нотариусга ариза билан мурожаат қилинган. Суд жараёнида меросхўрлар медиатив тартиб-таомилини қўллаб медиатив келишув асосида меросхўр меросхўрликдан яширилган меросхўрга мерос объектидаги мерос улуши ҳисобидан пул шаклида беришлик ҳақида келишиб олганлар. Суд медиатив келишувга асосан даъвони кўрмасдан қолдирган.

Бунда ўринли савол туғилади.

Нотариус қўшимча мерос гувоҳномасини қай тартибда расмийлаштиради?

Мерос қолдирувчининг бошқа мулкига нисбатан қўшимча гувоҳнома расмийлаштиришда нотариус меросхўрлар ўртасида медиатив келишув асосида муросхўр томонидан пул мажбурияти бажарилганлиги фактини қўйидаги ҳужжатлар асосида текшириш ва нусхаларини олиши лозим.

Суднинг қонуний кучга кирган қарори;

Медиатив келишув;

Пулни қабул қилган меросхўрдан нақд пул ёки нақдсиз пул шаклида олганлиги ҳақидаги ариза.



18. Нотариус-медиатор томонидан бошқа низоларда медицинани қўллаш

Нотариус-медиатор томонидан бошқа низоларда қўйидаги холларда медицинани қўллаши мумкин:

- ✓ пул мажбуриятлари;
- ✓ мулкни топшириш мажбуриятлари;
- ✓ қарз мажбуриятлари;
- ✓ гаров муносабатлари бўйича мажбуриятлар;
- ✓ воз кечиш ҳақи бўйича мажбуриятлар;
- ✓ алимент тўлаш мажбуриятлари ва бошқа низолар.



Масалан:

Ўзбекистон кодексининг 488-моддасида уй-жой биноларини сотишнинг хусусиятлари белгиланган.

Бунга кўра, нотариус уй-жойни олди сотди шартномасини расмийлаштиришда, шартнома матнида сотувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шарти --

бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузиш кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги 198-сонли “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармоннинг 1-банди га мувофиқ, хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи қуйидаги тартиблар, талаблар ва чекловлар 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилиниши белгиланган.

Шунингдек, ушбу Фармоннинг 6-банди бўйича турар жойга бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида:

турар жойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, бундан тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатлар мустасно талаби кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига кўра, мулкдорнинг аризасига кўра – турар жойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки мулкдор билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахслар (ушбу шахсларнинг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи суд томонидан белгиланган ҳолатлар ёки тарафлар ўртасида бошқача келишув мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига белгиланган бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар».



Масалан: амалиётда кўп учрайдиган вазиятлардан бирини кўриб чиқамиз. Агар шартнома шартида **қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни** - томонларни уй-жойдан фойдаланиш тартибининг муддати аниқ қўрсатилган бўлиб, улар шу муддатда рўйхатдан чиқмаган ҳоллар бўлиши мумкин. Бунда томонлар ўртасида низо юзага келган тақдирда, ушбу низо судсиз тартибда, томонларнинг хоши-истагига мувофиқ медиация йўли билан ҳам ҳал қилиш мумкин.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунинг 37-моддасида ижро иши юритишни тугатиш асослари белгиланган.

Ижро иши юритиш қўйидаги ҳолларда суд томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мол-мулкини ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

2) муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини ижро этиш имконияти йўқолганда.

Ижро иши юритиш қўйидаги ҳолларда давлат ижрочиси томонидан тугатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими тузилганда;

2¹) ундирувчи ва қарздор ўртасида медиатив келишув тузилганда.

“Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 11-сон

қарорининг 23-бандига кўра, алимент ундириш ҳақидаги иш бўйича даъвогарнинг даъводан воз кечиши ёки тарафлар келишув битими тузиши муносабати билан иш юритиш тугатилишига, агар бу боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид бўлмаса, йўл қўйилади. Ҳолат ўзгарганда, даъвогарнинг алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга қайта мурожаат қилиши истисно этилмайди.

Нотариуслар томонидан алимент ундириш тўғрисидаги келишув бўйича тарафлар медиатив келишув бўйича эришилган натижага кўра, алимент ундирувчи алиментдан воз кечиши мумкин. Лекин, моддий томондан қийналиб холган ҳолатда алимент тўлашга судга қайта мурожаат этишлигини эътиборга олиш керак.



19. Медиатив келишувни расмийлаштиришда жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш нотариал ҳаракатини амалга ошириш

“Нотариат тўғрисида” ги Қонуннинг 73-моддасига кўра, нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) ўзга ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади.

Аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатлар уларнинг топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо қўйдириб топширилади. Аризалар телефакс, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатларни топшириш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс қоплайди.

Шахснинг илтимосига кўра нотариус аризалар ва (ёки) бошқа ҳужжатларнинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома беради.

Манфаатдор тараф низонинг иккинчи тарафига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмунини изоҳлаган ҳолда нотариусга

келишув тартиб-таомилини қўллаш ҳақида ариза билан мурожаат этади. Нотариус-медиатор қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатда аризани ўрганиб чиқиб, тарафлар, низо предмети, ўтказилиш жойи ва вақти кўрсатилган низо медиация йўли билан ҳал этиш ҳақида тарафларга хат юборади.

Бунда, нотариус манфаатдор тарафнинг илтимосига асосан ушбу аризани топшириш ҳақидаги нотариал ҳаракатни амалга ошириш орқали ҳам топшириши, шунингдек илтимосига биноан ариза топширилганлиги ҳақида гувоҳнома бериши мумкин.



20. Медиатив келишув бўйича ижро хати ёзиш



Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сон Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар Рўйхати” тўғрисидаги қарорига мувофиқ, медиатив келишув нотариал тасдиқланган битимлар қаторига киришидан қатъий назар **медиатив келишув бўйича ижро хати ёзиш мумкин эмас.**

Қонунда медиатив келишув бўйича ижро хати бериш кўзда тутилмаган.

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси тўртинчи қисмида медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тўғридан-тўғри судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги тўғрисида белгиланган.



21. Медиация тартиб-таомилини ва медиатив келишувни ишончнома орқали расмийлаштириш

“Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси биринчи қисми ва Йўриқноманинг 145²-бандига асосан тарафлар медиацияда шахсан

ёки ўз вакили орқали қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бунда, ваколат берувчи жисмоний шахсларнинг ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги Тизим орқали “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимида текширилади ва олинган маълумотнома Тизимда сақланади.

Бунда, ишончнома матнида ишончли вакилга “келишув битими ёки медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувга розилиги ҳақида ариза билан мурожаат қилиш, тузиш, зарур ҳолларда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатини узайтиришга, ёхуд медиатив келишувни тузиш ва имзолаш, медиацияни давом эттиришдан воз кечишга, тугатишга ва бошқа” тегишли ваколатлар кўрсатилиши лозим.



22. Нотариус-медиатор томонидан медиация билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ундириладиган тўловлар

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида” ги қонуннинг ш¹-банди бўйича бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун – жисмоний шахслар учун – БХМ нинг 50 фоизи;
юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса БХМнинг 1 баравари давлат божи ундирилади.

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида (2020 йил 29 май, рўйхат рақами 3235) белгиланган.

Хусусан,

- ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширишда -тушунтириш берилганлиги учун – 5 фоиз;

- профессионал медиатор сифатида тасдиқланадиган медиатив келишувлар лойиҳасини тайёрлаш учун – БХМнинг 50 фоизи.

Нотариус медиаторлик фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган

тўловларни молиявий фаолиятидан келиб чиққан холда ундирмаслиги ҳам мумкин.

Медиатив келишувни расмийлаштириш учун тўловлар тарафлар томонидан, агар улар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, тенг улушларда амалга оширилади.



23. Медиация тартиб таомилидан воз кечиш ва битимни тасдиқлашни рад қилиш тартиби

Медиация принципларидан келиб чиққан холда медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли.

Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак.

Медиация тарафлари:

- медиаторни ихтиёрий равишда танлашга;
- медиатордан воз кечишга ҳақли.
- Қонуннинг 38-моддасига асосан нотариус қуйидаги ҳолларда битимни тасдиқлашни рад этади, агар:
 - бундай битимни амалга ошириш қонунга зид бўлса;
 - муомалага лаёқатсиз фуқаро ёки зарур ваколатлари бўлмаган вакил битимни тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган бўлса;
 - юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
 - битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
 - битимни тасдиқлаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Шунингдек, битимни тасдиқлаш учун тўловни тўламаслик битимни тасдиқлашни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Битимни тасдиқлаш рад этилган тақдирда битимни тасдиқлашни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус битимни тасдиқлаш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Нотариус-медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишни рад этган тақдирда, тўланган тўловлар қайтариб берилади.



24. Нотариус-медиаторлар томонидан амалга оширилган медиатив келишувларнинг статистик маълумотлари

Нотариус томонидан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида расмийлаштирилган медиатив келишувларнинг статистик маълумотлари қуйидагича:

2021 йилда - 10 та;

2022 йилда - 94 та;

2023 йил - 82 та;

2024 йил (1 март ҳолатига) - 5 та;

Республика бўйича жами - 191 тани ташкил қилади.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида - 149 та, Бухоро вилоятида - 23 та, Андижон вилоятида - 5 та, Жиззах вилоятида - 2 та, Навоий вилоятида - 1 та; Сурхондарё вилоятида - 1 та, Фарғона вилоятида - 4 та, Тошкент вилоятида - 2 та, Тошкент шаҳрида - 4 та, тасдиқланган.

Медиатив келишувлар асосан қуйидаги масалаларни ўз ичига олган:

- ипотека шартномалари;
- мерос масалалари;
- эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш;
- оилавий масалаларга оид.
- Кўчмас мулкни олди-сотди масалаларига оид.



25. Медиатор томонидан медиация келишувида иштирок этаётган тарафлар билан мулоқотга киришиш жараёнида нотариус-медиатор томонидан бериладиган тахминий саволлар

Рўйхати

1. Тарафлар ўртасидаги низо бўйича судга мурожаат қилганмисиз?
2. Тарафларда низо ни мустақил ҳал қилиш истагингиз борми?
3. Томонлар ушбу низо ни ҳал қилишда шахсий ҳисса қўшишни хоҳлайдими?
4. Бунинг учун нима қилиш керак? Томонлар мавжуд вазиятдан чиқиш йўллари ни муҳокама қилишга тайёрми?
5. Сизнингча, бошқа томон билан муносабуатлар ни ўрнатишга ҳаракат қилиш керакми? Бунинг учун нима қилишга тайёрсиз? Биринчи қадам ни қўйишга тайёрмисиз? Бошқа томондан қандай қадамлар кутмоқдасиз ?
6. Низони қайси ечими Сиз учун оғриқли ҳисобланади?
7. Сиз ни бу вазиятда кўпроқ нима ташвишга солмоқда? Сиз ни нима хавотирга солмоқда? Низони ҳал қилиш учун қадам ташлашингизга нима халақит бермоқда?
8. Низони ўзаро манфаатлар ни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш таклифини қабул қила оласизми?
9. Вазият ни назорат қилиш Сиз учун қанчалик муҳим?
10. Медиация натижаси бўйича нимага эришишни хоҳлардингиз?

11. Бир-бирингизга нисбатан зарур қадамлар ташлашга тайёرمىсизлар?

12. Сиз бу вазиятдан чиқиш йўли Сиз тасаввур қилганингиздан бошқача бўлиши мумкинлигига тайёرمىсиз?

13. Мен ҳеч нимани ўтказиб юбормадимми?

14. Мен ҳеч қандай муҳим нарсани ўтказиб юбормадимми?

Статистик маълумотлар
Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга ошириш учун
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
тасдиқланган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув
курсидан ўтган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариусларнинг статистик
ЖАДВАЛИ

(2020-2021-2022- 2023 йиллар ва 2024 йилнинг 1 март ҳолатига)

Т/Р	Ҳудуд	Нотариуслар сони	Медиаторлик фаолияти бўйича лицензия олганлар сони	Электрон реестрга рўйхатга қўйилганлар сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	62	62	59
2.	Андижон вилояти	77	67	63
3.	Бухоро вилояти	54	49	39
4.	Жиззах вилояти	28	28	28
5.	Қашқадарё вилояти	60	59	59
6.	Навоий вилояти	35	35	35
7.	Наманган вилояти	60	58	58
8.	Самарқанд вилояти	86	85	85
9.	Сурхондарё вилояти	57	51	51
10.	Сирдарё вилояти	22	21	21
11.	Фарғона вилояти	106	103	91
12.	Хоразм вилояти	48	41	41
13.	Тошкент вилояти	83	82	82
14.	Тошкент шаҳри	258	247	959
ЖАМИ		1036	988	959

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан
тасдиқланган медиатив келишувларнинг статистик
жадвали**

(2021-2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг 1 март ҳолатига)

№	Ҳудуд	2021	2022	2023	2024
1.	Андижон вилояти	5	0	0	0
2.	Қашқадарё вилояти	1	79	67	2
3.	Бухоро вилояти	0	7	13	3
4.	Жиззах вилояти	2	0	0	0
5.	Навоий вилояти	0	0	1	0
6.	Наманган вилояти	0	0	0	0
7.	Қорақалпоғистон Республикаси	0	0	0	0
8.	Самарқанд вилояти	0	0	0	0
9.	Сирдарё вилояти	0	0	0	0
10.	Сурхондарё вилояти	0	1	0	0
11.	Тошкент вилояти	0	2	0	0
12.	Тошкент шаҳар	2	2	0	0
13.	Фарғона вилояти	0	3	1	0
14.	Хоразм вилояти	0	0	0	0
	Жами:	10	94	82	5

(кимга)

(манзил)

АРИЗА

(манфаатдор тарафнинг медиация тартиб-таомилини қўллаш тўғрисидаги низонинг иккинчи тарафига қўйилаётган талаблар бўйича)

Ҳақиқий

(таклиф ёки таклиф қилаётган ташкилотнинг номи)

(Медиация тартиб-таомилини ўтказишга мурожаат қилишни таклиф қилган шахснинг Ф.И. Ш.)

Мен,

таклиф

қиламан

(таклиф юборилган ташкилотнинг номи ёки тўлиқ исми)

(медиация тартиб-таомилини ўтказишга мурожаат қилиш таклифи юборилган шахс)

масала бўйича ўртаמידа юзага келган низони ҳал қилиш учун _____ медиация тартиб-таомилини ўтказишни таклиф қиламан.
(тортишув предмети)

Медиаторни танлаш, медиация тартиб-таомилини ўтказиш вақти, уни ўтказиш қоидалари ва медиация тартиб-таомилини ўтказиш билан боғлиқ харажатларда иштирок этиш шартлари, биз низо тарафлари сифатида ўзаро келишув асосида ихтиёрий равишда ҳал қиламиз.

Ушбу таклиф _____ й. амал қилади.

Агарда кўрсатилган муддат тугашидан олдин медиация тартиб-таомилини ўтказишга розилигингиз олинмаса, таклиф рад этилган деб ҳисобланади.

ФИШ, имзо _____

сана, ой, йил

Медиацияни қўллаш тўғрисида келишув

2024 йил “___” _____ шаҳри

Биз

(*тарофнинг Ф.И.О., туғилган йилиш ва яшаш манзили, паспорт маълумотлари*)

_____ бир тарафдан
ва

(*тарофнинг Ф.И.О., туғилган йилиш ва яшаш манзили, паспорт маълумотлари*)

_____ ИККИНЧИ
тарафдан медиатор Ф.И.Ш. иштирокида Ўзбекистон Республикаси
“Медиация тўғрисида” ги Қонунига асосан ушбу келишувни
қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Низо предмети

1.1. Тарафлар ўртасидаги низонинг предмети

(*қарзни қайтариш; зарарни қоплаш; биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлиш;
никоҳ шартномаси шартларини келишиш; етказиб бериш, олди-сотди, ижара ва бошқа
шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш; мерос мулкни тақсимлаш ва бошқа;*)

Томонлар томонларнинг ихтиёрийлиги, махфийлиги,
ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, Ўзбекистон Республикасининг
«Медиация тўғрисида» ги қонунида мавжуд медиаторнинг
бетарафлиги ва тасдиқланган медиацияни ўтказиш қоидаларига
мувофиқ воситачилик тартиб-таомилида иштирок этишга розилик
билдирадилар_____.

1.3. Медиация томонларнинг ўзаро манфаатларни ўзаро тан олиш ва ўзаро мақбул келишувга эришиш ёки мавжуд келишмовчиликларни мустақил ҳал этиш имкониятини бериш мақсадида амалга оширилади.

1.4. Медиатор медиация қилиш мажбуриятини олади ва томонлар медиация жараёнида иштирок этиш мажбуриятини олади.

1.5. Медиацияни ўтказиш тартиби, шартномада кўрсатилган медиация иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида» ги қонунига ва тасдиқланган медиацияни ўтказиш қоидаларига мос келади_____.

2.1. Медиация жараёнида иштирокчиларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтади «__» _____ 2023_ __ __ да: __ __ да: _____ . Агар қўшимча учрашувлар ўтказиш зарур бўлса, сана, жой ва вақт иштирокчилар томонидан қўшимча равишда келишиб олинади.

2.2. Медиацияни ўтказиш муддати ушбу битим имзоланган санадан бошлаб 30 календар кунидан ошмаслиги керак. Медиация тарафларининг келишувига биноан воситачилик муддати узайтирилиши мумкин, аммо 30 календар кунидан ошмаслиги керак.

2.3. Медиация тили_____.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Томонлар медиация жараёнида шахсан иштирок этадилар.

3.2.Томонлар медиациянинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари ҳисобланади ва:

- медиация тартибида таклифлар киритиш;
- низони ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиш (низо);

- нотариус- медиатор билан индивидуал суҳбат ўтказишни бошлаш;

- низони ҳал қилишга қаратилган таклифларни киритиш.

3.3. Томонлар ҳақли эмас:

- медиация вақтини асоссиз кечиктириш;

- медиациянинг бошқа иштирокчиларига, медиацияга жалб қилинган бошқа шахсларга ахлоқий, жисмоний ёки бошқа ҳар қандай босим ўтказиш;

- нотўғри маълумотлардан фойдаланиш;

3.4. Томонлар шarti:

- медиаторни медиация қилиш учун таклиф қилиш ва иштирок этиш имкони бўлмаса, медиация иштирокчиларини медиация (келишилган санадан камида 24 соат олдин хабардор қилиш);

- медиацияга тайёргарлик жараёнида эришилган келишилган қоидалар ва воситачилик тартиб-қоидаларига, шунингдек бошқа келишувларга риоя қилиш;

- низони ҳал қиладиган ўзаро мақбул келишувларни топиш бўйича ҳамкорлик қилиш.

4. Медиаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Холис ва мустақил шахс бўлган медиатор:

- медиация тартиб-таомилининг хусусиятларини тушунтириш ва воситачилик тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги битим шартларини келишиш мақсадида медиация жараёни бошланишидан олдин томонлар билан учрашиш;

- томонлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш учун медиатор ҳужжатларнинг ишончилигини текширишга мажбур эмас.

- томонларга қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни таклиф қилиш;

- томонлар муҳокама қилинадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, маълумотлар ва хабарлар алмашишда ёрдам бериш;

- мутахассислардан зарур маслаҳатлар олиш;

- медиация жараёнида ҳар бир томон билан алоҳида суҳбат ўтказишни бошлаш;

4.2. Медиатор ҳақли эмас:

- медиация жараёнида, у медиатора бўлган низо бўйича суд ёки ҳакамлик муҳокамасида томонларнинг вакили бўлиш;

- тарафларга низони (низони) ҳал қилувчи келишув вариантларини таклиф қилиш ёки низони суд тартибида ҳал қилиш истиқболлари тўғрисида хулоса бериш;

- медиация томонларига маслаҳат бериш.

4.4. Манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарадиган ёки медиаторнинг холислиги ва мустақиллигига (томонлар ёки медиациянинг бошқа иштирокчилари билан бизнес ёки шахсий муносабатларнинг мавжудлиги, низонинг натижасига шахсий қизиқиш ва ҳ.к.) таъсир кўрсатадиган омиллар аниқланган тақдирда, бу ҳақда тарафларга маълум қилинг. Бундай ҳолда, медиатор ўз вазифаларини фақат томонларнинг розилиги билан амалга оширишни давом эттириши мумкин.

4.5. Агар келишилган воситачилик санасидан (медиация сессиясидан) камида 24 соат олдин, келишилган муддатларда воситачилик қилиш имкони бўлмаса, бу ҳақда томонларни хабардор қилиш ва медиациянинг бошқа вақтини томонлар билан келишиш.

5. Махфий ахборот

5.1. Агар томонлар бошқача келиша олмасалар, медиация жараёнида уларга маълум бўлган ҳар қандай маълумот махфийдир ва учинчи шахсларга ошкор қилинмайди. Ушбу чеклов воситачилик тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги битим тузиш, медиацияни тугатиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, агар низо суд томонидан кўриб чиқиляётган бўлса, бошқа маълумотлар учун қўлланилмайди.

5.2. Медиация жараёнида алоҳида суҳбат давомида томонлардан бирига юборилган маълумот бошқа томонга фақат уни тақдим этган томоннинг розилиги билан берилиши мумкин. Медиатор ошкор этилиши керак бўлган ахборот миқдорини тарафга келишиши шарт.

5.3. Зарур ҳолларда, томонлар махфий ахборотнинг аниқ рўйхатини ўз ичига олган махфийлик тўғрисидаги битимни, шунингдек, уни учинчи шахсларга ошкор қилиш масъулиятини имзолаш ҳуқуқига эга.

6. Медиацияни тўхтатиш

6.1. Медиация қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- томонлар ўртасида воситачилик шартномасини имзолаш-
бундай битим имзоланган санадан бошлаб;

- бандда кўрсатилган медиация муддати тугаши билан 2.2. ушбу
шартнома;

- медиатор томонидан медиация жараёнида низони ҳал қилиш
имкониятини истисно этадиган вазиятларни аниқлаш - бундай
ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб.

6.2. Медиатор тарафларнинг (томонларнинг) келишилган
муддатда медиацияга бир неча марта (2 ва ундан кўп марта)
келмаганлиги, томонларнинг ҳар бирига ёзма билдиришнома юбориш
орқали медиацияни тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда, хабарнома
санаси медиацияни тугатиш санаси ҳисобланади.

7. Шартноманинг амал қилиши, уни ўзгартириш ва бекор қилиш
тартиби

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва
томонлар ва медиатор ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар
амал қилади.

7.2. Ушбу шартнома фақат иштирокчиларнинг ёзма розилиги
билан тўлдирилиши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.3. Ушбу шартнома 3 (бошқа иштирокчилар сони бўйича
медиатор) нусхада тузилди ва имзоланди ва ҳар бир иштирокчига
топширилди.

Тарафларнинг реквизитлари

Биринчи тараф

Иккинчи тараф

ФИШ,имзо _____

ФИШ,имзо _____

Медиатив келишув

2024 йил “___” _____ шаҳри

Биз _____

(*тарофнинг Ф.И.О., туғилган йили ва яшаш манзили, паспорт маълумотлари*)

_____ бир тарафдан
ва

(*тарофнинг Ф.И.О., туғилган йили ва яшаш манзили, паспорт маълумотлари*)

_____ ИККИНЧИ
тарафдан Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги
Қонунига асосан ушбу медиатив келишувни қуйидагилар ҳақида
туздик:

Медиацияни ўтказиш жараёнида тарафлар ўртасида қуйидаги
масала бўйича низо мавжуд эди:

(*қарзни қайтариш; зарарни қоплаш; биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлиш;
никоҳ шартномаси шартларини келишиш; етказиб бериш, олди-сотди, ижара ва бошқа
шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш; мерос мулкни тақсимлаш ва бошқа;*)

Медиация жараёни 2023 йил “___” _____даги медиация
тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ҳамда 2023
йил “___” _____даги медиацияни қўллаш тўғрисида келишувга
мувофиқ ўтказилмоқда.

1. Тарафлар қуйидаги шартлардаги келишувга эришдилар:

Биринчи тараф қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Иккинчи тараф қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2. Тарафлар ушбу келишувда назарда тутилган мажбуриятларни бажарганидан сўнг бир-бирига нисбатан бирон-бир шикоят қилмасликка келишиб олдилар.

3. Ушбу келишув тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

4. Тарафлар ушбу келишув бир тараф томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига мувофиқ ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли.

5. Эришилган келишувни амалга ошириш ёки талқин қилишда келишмовчиликлар ёки қийинчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар медиатор Ф.И.О. ёрдамида медиация жараёнини қайта тиклаш имконияти ва заруриятини кўриб чиқадилар.

6. Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

7. Тарафлар нотариус-медиатор томонидан Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлигини тасдиқлайди.

8. Биз тарафлар келишув матнини тўлиқ ўқиб чиқдик, унинг мазмуни ва моҳияти, ҳуқуқий оқибатлари нотариус-медиатор томонидан тушунтирилди ва бизга тушунарли, келишувнинг мазмуни бизнинг асл хоҳиш-истакларимизга мос келади.

Мазкур келишувни тузиб имзолаганимизда муомала лаёқатига эга бўлганимизни, ўз хатти-ҳаракатларимиз аҳамиятини тўлиқ тушунганлигимизни, ҳеч ким бизни алдамаганлигини, келишувни тузиб имзолаш ҳақида таъзиқ ўтказмаганлигини, ушбу келишувни тузишга мажбур қилишга олиб келган оғир ҳолатлар йўқлигини билдирамыз.

9. Ушбу шартнома ҳар бир тараф ва нотариус-медиатор учун бир хил қонуний кучга эга бўлган уч нусхада имзоланди.

10. Ушбу медиатив келишув тарафлар томонидан имзоланган кундан кучга киради.

ФИО, имзолар:

1. _____

2. _____

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви

6-Илова

НАМУНА

_____ медиаторга

(Ф.И.Ш)

_____ дан

(Ф.И.Ш медиация томони)

Розилик хати

(медиация жараёни билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида
(юридик шахсдан)

Мен, _____

,

(медиация жараёни иштирокчисининг вакили Ф.И.Ш, лавозими)

_____ номидан ва манфаатларидан ҳаракат

қилувчи

(медиация жараёни иштирокчисининг номи)

Медиация жараёнини ўтказиш тўғрисидаги _____ даги

(кун, ой, йил)

келишув асосида медиация жараёни иштирокчиси ҳисобланади,

медиация _____ жараёнига _____ алоқадор

_____ ,

(медиация жараёни иштирокчисининг номи)

медиаторга, шунингдек _____ ҳақида медиация жараёни

бошқа иштирокчисига маълум бўлган маълумотларнинг ошкор

қилинишига қаршилигим йўқ.

Лавозим _____ (томон вакилининг имзоси)

(Ф.И.Ш)

(кун, ой, сана)

Медиацияни тугатиш тўғрисида

Келишув

_____ (имзоланган жой)

_____ (сана, ой, йил)

_____ (тўлиқ номи)

_____ номидан

_____ (Ф.И.Ш, лавозим)

_____ асосида ҳаракат қилувчи

_____ (Устав, Низом, ишончнома)

бир томондан, _____

_____ (тўлиқ номи)

_____ номидан

_____ (Ф.И.Ш, лавозим)

_____ асосида ҳаракат қилувчи

_____ (Устав, Низом, ишончнома)

бошқа томондан, “томонлар” деб номланганлар, келишувга келдик:

1. Медиация жараёнини тугатиш тўғрисида _____

_____ билан боғлиқ

(низо юзасидан тарафларни қаноатлантирадиган қарорга келишнинг имкони бўлмаганлиги, мавжуд келишмовчиликлар бўйича келишувга эришмасдан медиацияни тугатиш тўғрисида битим тузиш орқали)

_____ ҳақидаги низода

_____ (низонинг предмети)

мазкур келишув имзоланган кундан бошлаб.

2. Низо суд томонидан кўриб чиқишга муурожаат қилиш.

3. Томонларнинг реквизиитлари ва имзолари:

1-томон

2-томон

(реквизиитлари)

(реквизиитлари)

(Лавозим)

(Лавозим)

(имзоси)

(имзоси)

(Ф.И.Ш)

(Ф.И.Ш)

М.Ў

М.Ў

С.Марипова, Д.Ашуров, З.Мусаева

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан
медиаторлик вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган нотариал
ҳаракатларни расмийлаштириш юзасидан**

ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир: Ф.Примкулова

Босишга рухсат этилди: 26.10.2023.

Қоғоз бичими 60x841/16. Book Antiqua гарнитураси

Адади 100.

АЛОҚА УЧУН:



Юристлар малакасини ошириш маркази



+ 99871 234-56-02



uzmarkaz@exat.uz



https://t.me/yumom_news



https://www.instagram.com/yumom_official/



<https://m.facebook.com/groups/194236945356383>



Ўзбекистон Республикаси Нотариал Палатаси



+ 99871 203-11-51



www.notarialpalata.uz



www.e-notarius.uz



@notariusmaslahati



@notariusmaslahati



www.facebook.com/groups/notariusmaslahati